


Ш. САНОАТ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2018 йил январь-сентябрь ойларида республика корхоналари томонидан 151,2 трлн. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 110,8 % ни, sanoat ишлаб чиқариш индекси эса 106,3 % ни ташкил этди.

Жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омили бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) sanoatида ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 % га (жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига қўшган ҳиссаси 6,5 ф.п.), тоғ-кон sanoati ва очик конларни ишлашнинг – 28,8 % га (4,0 ф.п.), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашнинг 1,1 % га (0,1 ф.п.) ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилишнинг – 25,6 % га (0,2 ф.п.) ўсиши ҳисобланади.

Январь-сентябрь ойларида асосий иқтисодий фаолият турлари бўйича sanoat ишлаб чиқариш таркиби

(жами sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан %)



Тоғ-кон sanoati ва очик конларни ишлаш

Тоғ- кон sanoati ва очик конларни ишлаш корхоналари томонидан 2018 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 24,7 трлн.сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажмининг 16,4 % ни ташкил этди.

Тоғ-кон sanoatида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар тури бўйича каолин ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан - 1,5 мартага, чакиқ тош қазиб олиш 1,4 мартага, газ конденсати – 12,9 % га, табиий газ – 7,1 % га ошганлигини, шу билан бирга кўмир қазиб олиш ҳажмининг – 4,2 % га ва нефть 9,6 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

**Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлашда йирик саноат корхоналари
томонидан натура кўринишида айрим турдаги саноат
маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)**


	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Нефть	минг тонна	561,5	90,4
Газ конденсати	минг тонна	1584,4	112,9
Табиий газ	млн. куб. м	44447,3	107,1
Кўмир	минг тонна	2908,3	95,8
Шағал	минг тонна	287,3	98,5
Чақик тош	минг тонна	1018,3	143,4

Ишлаб чиқарадиган саноат (қайта ишлаш саноати)

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 114,8 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 75,9 % ни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоғнинг улуши 1,4 % ни (2017 йил январь-сентябрь ойларида - 1,9 %), ўрта-юқори технологиялини - 28,2 % (21,3%), ўрта-қуйи технологиялини - 31,4 % (27,4%) ва қуйи технологиялини - 39,0 % (49,4%) ташкил этди.

**Январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқаришнинг
технологик таркиби бўйича ишлаб чиқарадиган саноат таркиби, % да**



Ўз навбатида саноатнинг мазкур тармоғида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан трактор ишлаб чиқариш 5,0 мартага, акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар – 31,7 % га, автомобил двигателлари - 34,9 % га, енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз) – 25,7 % га, дизел ёқилғиси – 9,3 % га, ўсимлик ёғи (тозаланган) – 5,3 % га, автомобил бензини - 6,9 % га, юк автомобиллари - 3,4 % га ошганлигини шу билан бирга, портландцемент ва автобус ишлаб чиқариш ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан пасайганлигини кузатиш мумкин.

**Ишлаб чиқарадиган саноатда йирик саноат корхоналари томонидан
натура кўринишида айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)**

	Ўлчов бирлиги	2018 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Енгил автомобиллар (ихтисослаштирилганларсиз)	минг дона	127,4	125,7
Юк автомобиллари	минг дона	3,0	103,4
Автобуслар	дона	351	51,2
Тракторлар	дона	2624	5,0 м.
Автомобил двигателлари	минг дона	96,9	134,9
Пахта толаси	минг тонна	517,7	89,4
Ўсимлик ёғи (тозаланган)	минг тонна	127,2	105,3
Тамаки маҳсулотлари	млн.дона	7443	103,5
Автомобил бензини	минг тонна	873,2	106,9
Дизел ёқилғиси	минг тонна	806,8	109,3
Портландцемент	минг тонна	6132,9	94,6
Акрил ва винил полимерлари асосидаги бўёқлар ва лаклар	минг тонна	11,6	131,7

Сўнги 5 йил ичида енгил автомобилларни (ихтисослаштирилганларсиз) (192,1 минг дона) ва автомобиль двигателларини (107,7 минг дона) энг кўп ишлаб чиқариш ҳажми 2014-йилнинг январь-сентябрь ойларига тўғри келганлигига қарамай, 2017 йилдан бошлаб, ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўсишида ижобий динамика кузатилмоқда.

Шу билан бирга, 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида автомобиль бензини ва дизель ёқилгиси ишлаб чиқариш ҳажми, охириги 5 йилнинг тегишли даврлари мобайнида шу каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичларидан ошганини таъкидлаш лозим.

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 10,1 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 6,7 % ни) ташкил этди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида саноатнинг мазкур тармоғида электр энергияни ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш ҳамда буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тизими ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,1 % га ва газсимон ёнилғини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ҳажмининг – 0,6 % га ошганлиги кузатилди.

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 1,5 трлн. сўмни (жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажмининг 1,0 % ни) ташкил этди.

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таркибида қора металллар бўлган иккиламчи хом ашёни - 27,1 % га, таркибида алюминий бўлган иккиламчи хом ашёни - 1,9 мартага, сувга ишлов бериш ва сув қувурлари бўйича тақсимлаш хизматларнинг – 30,3 % га, оқава сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларнинг – 30,5 % га ошганлиги кузатилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)

	Млрд. сўм	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш - жами	151203,4	110,8
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	24720,6	128,8
улардан:		
кўмир, лигнит, нефть ва табиий газ қазиб чиқариш	16699,5	150,8
металл рудаларини қазиб олиш	7195,8	100,9
тоғ-кон саноатининг бошқа фаолият турлари	432,0	110,0

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да</i>
Қайта ишлаш саноати (ишлаб чиқарадиган саноат)	114809,4	108,3
улардан:		
озик-овқат, ичимликлар, тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	20485,8	94,2
тўқимачилик, кийим, тери маҳсулотларини ишлаб чиқариш	19896,2	110,4
машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр металл буюмларни ишлаб чиқариш	26842,0	128,9
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллар, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, мебель ишлаб чиқариш	2568,3	99,4
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	969,7	106,1
кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	3856,4	104,1
кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	12409,0	106,6
асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	1133,5	108,9
бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	7502,6	104,1
металлургия саноати	18305,6	103,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	10133,4	101,1
Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	1540,0	125,6

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан (107,9 % га) ошишига таъсир кўрсатди, жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 37,9 % ни ташкил этди.


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатлари (2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан истеъмол товарлари таркибида ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш улушининг 62,5 % дан 2018 йил январь-сентябрь ойларида 66,5 % га ошиши кузатилмоқда.

Кейинги беш йилнинг тегишли даврларидаги ноозиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришни таққослаганда, ушбу кўрсаткичнинг истеъмол товарларининг умумий ҳажмидаги энг катта улуши 2018 йилнинг январь-сентябрь ойларига тўғри келмоқда (2014 йил - 58,8%, 2015 йил - 55,0%, 2016 йил - 49,3%).


Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг таркиби, жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан % да
(январь-сентябрь ойлари учун)



Худудларнинг саноат ишлаб чиқариши


Худудларнинг саноат салоҳиятини ошириш бўйича амалга ошириб келинаётган изчил чоралар натижасида Андижон (2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 131,5 % га), Сурхондарё (117,2 % га), Хоразм (114,4 % га), Наманган (111,6 % га), Тошкент (109,1 % га) вилоятларида сезиларли даражада ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши таъминланди.

Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)
(ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан, % да)



Республика саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Тошкент шаҳри (республика саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 18,8 % улушини), Тошкент вилояти (15,9 %), Навоий (10,7 %), Андижон (10,6 %), Қашқадарё (6,4 %), Фарғона (5,9 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Худудларнинг республика жами sanoat ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)



Шу билан бирга энг кам улуши Сурхондарё (1,3 %), Жиззах (1,4 %), Сирдарё (2,0 %), Наманган (2,5 %) ва Хоразм (2,6 %) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)


	Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да	Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % да
Ўзбекистон				
Республикаси	151203,4	110,8	57322,8	107,9
Қорақалпоғистон Республикаси	6473,1	108,3	1033,9	103,7
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	15954,1	131,5	12447,2	134,5
Бухоро	5485,6	102,1	2766,7	105,5
Жиззах	2102,5	101,5	1266,9	101,6
Қашқадарё	9671,3	106,9	2029,1	102,3
Навоий	16244,8	102,4	1877,4	101,2
Наманган	3722,6	111,6	2699,7	105,5
Самарқанд	8014,8	106,2	5039,2	108,1

¹⁾ Худудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшиган ҳолда

	Саноат маҳсулотлари, млрд. сўмда ¹⁾	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % га	Истеъмол товарлари, млрд. сўмда ¹⁾	2017 йил январь-сентябрь ойига нисбатан, % га
Сурхондарё	2003,2	117,2	882,1	102,9
Сирдарё	3078,9	107,6	1302,1	113,1
Тошкент	24035,3	109,1	5382,0	107,0
Фарғона	8866,6	108,3	3093,0	104,1
Хоразм	3890,3	114,4	2664,5	122,3
Тошкент ш.	28416,0	108,9	14815,0	105,9

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг табақаланиши таҳлили Навоий вилоятида (16853,2 минг сўм), Тошкент шаҳрида (11451,6 минг сўм), Тошкент (8361,0 минг сўм) ва Андижон (5263,5 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражаси кўрсаткичидан (4599,9 минг сўм) анча юқорилигини кўрсатмоқда.

Худудлар бўйича аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми, минг сўмда
(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)




Худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўртача саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори ўсиш суръатлари Андижон (2017 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 129,3 % га), Сурхондарё (114,8 % га) ва Хоразм (112,5 % га) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, Жиззах (99,6%) вилоятида ўсишнинг паст суръатлари кузатилди.

Саноат ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг хиссаси

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6,8 % га ошишини таъминлади, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 34,2 % ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Тошкент шаҳрида (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 71,6 %), Наманган (69,7 %), Жиззах (66,6 %) ва Самарқанд (52,0 %) вилоятларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Навоий вилоятида (14,4 %), Тошкент (20,0 %), Андижон (21,6 %) ва Қашқадарё (22,2 %) вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (17,7 %) кузатилди.

Ҳудудлар бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши, % да *(2018 йил январь-сентябрь ойлари учун)*



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши

Республика саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг амалга оширилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди, мазкур дастур доирасида киритилган 691 та лойиҳа бўйича 11,0 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилган бўлиб, 359,6 млн. АҚШ доллари миқдорига маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар экспорт қилинди ва 771 та янги иш ўринлари яратилди.

2018 йилнинг январь-сентябрь ойларида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан лойиҳалар сони камайишига қарамай, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 1,9 мартага, уларнинг экспорти эса 2,4 % га ошганлигини, шу билан бирга яратилган иш ўринларини 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида нисбатан 64,5 % га камайганлигини кузатиш мумкин.

Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари
(январь-сентябрь ойлари учун)


	2017 йил	2018 йил
Лойиҳалар сони, <i>бирлик</i>	750	691
Корхоналар сони, <i>бирлик</i>	325	291
Ишлаб чиқариш ҳажми, <i>млрд. сўм</i>	5781,1	11011,6
Экспортга қилинган маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми, <i>млн. АҚШ долл.</i>	351,1	359,6
Яратилган янги иш ўринлари, <i>бирлик</i>	2169	771

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши

Ҳисобот даврида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 58,5 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122,6 % ни ташкил этди. Ўтган йилда қўшма корхоналарнинг умумий ишлаб чиқаришдаги улуши 31,6 % ни ташкил этган бўлса, ҳисобот даврида бу кўрсаткич 38,7 % гача ошди

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида республика саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмини ошишига қўшма корхоналарнинг қўшган ҳиссаси 7,9 % ни ташкил этди, бу иқтисодийни ислоҳ қилиш ва либераллаштиришни, жаҳон бозорида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни имконини берди

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар маҳсулотларининг саноатнинг умумий ҳажмидаги улуши



Кўшма корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг умумий ҳажмида тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналарининг улуши 22,5 %, ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари улуши 77,4 % ни ташкил

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари

Бугунги кунда республикада 55,1 мингдан ортиқ саноат корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 13150 таси Тошкент шаҳрига, 6060 таси Фарғона, 5802 таси Тошкент, 5421 таси Андижон, 4483 таси Самарқанд, 4186 таси Наманган, 2535 таси Бухоро, 2404 таси Қашқадарё, 2365 таси Хоразм, 2147 таси Жиззах, 1951 таси Сурхондарё, 1731 таси Навоий, 1209 таси Сирдарё вилоятларига ва 1676 таси Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган саноат корхоналари сони, бирлик (2018 йил 1 октябрь ҳолатига)



Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида республикада 8,5 мингдан ортиқ янги саноат корхоналари ташкил этилган бўлиб, улардан қарийиб 67 % Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Наманган вилоятларига тўғри келади.